

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**ШАРИПОВ Дилшод Бахшиллоевич**

*Бухоро давлат педагогика институти*

*“Ижтимоий фанлар” кафедраси*

*катта ўқитувчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13363907>

## ГЕНРИ КИССИНЖЕР. АМЕРИКА ЧЎҚҚИДА: ИМПЕРИЯМИ ЁКИ ЛИДЕР ?

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола тарзида тақдим этилган материал тўлалигича Г.Киссинжерга таълуқлидир ва унинг сўзларидир. Бу Г.Киссинжернинг етти бобдан иборат бўлган “Америкага ташқи сиёсат керакми ? XXI асрга мўлжалланган дипломатия” (Henry Kissinger. Does America Need a Foreign Policy ? Toward a Diplomacy for the 21<sup>st</sup> Century. Simon&Schuster.New York. London. Toronto. Sydney. Singapore.2001) асарининг илк бобининг тўлиқ таржимасидир. Илк боб номланиши материал номига кўчди. Уни астойидил ва тўғри таржима қилишга, сиёсий оҳанг ва мазмунни сақлаб қолишга, таржима шакли ва қоидаларига тўлиқ ва қатъиян риоя қилишга ҳаракат қилдик. Бу китоб 2001 йилда Simon&Schuster нашриёти томонидан нашр этилган ва бу Г.Киссинжернинг бу нашриётда нашр қилган 3-китобидир. Бир йил ўтиб, 2002 йилда рус тилига таржима қилинган. Асар “ташаккур сўзи” деб номланган кириш қисмида жами 26 киши бу китоб қўлёзмасини ўқиб, ўз мулоҳазаларини билдирганлиги, тузатишлар ва қўпгина ўзгартиришлар киритилгани номма-ном қайд этилган. Мақола тарзидаги ушбу таржима иш халқаро сиёсат, халқаро муносабатлар, дипломатия тарихи, сиёсатшунослик, геосиёсат асослари, глобаллашув асослари, конфликтология асослари, ташқи сиёсат асослари, ташқи сиёсий фаолият, сиёсий прогностика, сиёсий таълимотлар тарихи каби фанларни ўқитишда кўшимча, балки, айрим мавзуларда асосий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Олим киши биринчи манба билан ишлаши керак ва бу ишга талабаларни ўргатиш, фанларга қизиқтириш усули, деб қараш жоиз, деб ҳисоблаймиз. Талабалар ва ҳамкасбларимизга халқаро аҳволни бор бўйича Киссинжерча мантиқ ва фикр бўйича тушунтиришга ва маълум янги билимлар беришига ишонамиз. Ва шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу таржима иши ҳаргиз таржимон нуқтаи назарини ақс эттирмайди. Бу замонавий америкача ва айни дамда анъанавий америкача ташқи сиёсатга доир фундаменталь сиёсий фикр мисоли тариқасида таржима қилинган.

**Калит сўзлар:** “Совуқ уруш”, халқаро муносабатлар, ташқи сиёсат, АҚШ, миллий манфаатлар, Вестфаль тартиби, мафкура, стратегик тафаккур, бутунжаҳон, дипломатия, тинчлик, авлод, дунё тартиботи.

## ГЕНРИ КИССИНДЖЕР. АМЕРИКА НА ВЕРШИНЕ: ИМПЕРИЯ ИЛИ ЛИДЕР?

### АННОТАЦИЯ

Материал, представленный в виде данной статьи, полностью принадлежит Г. Киссинджеру и является его словами. Это семиглавая книга Г.Киссинджера "Нужна ли Америке внешняя политика?" «Дипломатия XXI века» (Генри Киссинджер. Нужна ли Америке внешняя политика? К дипломатии XXI века. Simon&Schuster. Нью-Йорк. Лондон. Торонто. Сидней. Сингапур. 2001) представляет собой полный перевод первой главы. Название первой главы изменено на название материала. Мы постарались перевести его старательно и правильно, сохранить политическую тональность и содержание, полностью и строго соблюдать форму и правила перевода. Эта книга была издана издательством Simon & Schuster в 2001 году и является третьей книгой, изданной Г.Киссинджером в этом издательстве. Год спустя, в 2002 году, его перевели на русский язык. Во введении к работе, которое называется «Благодарности», анонимно отмечено, что всего рукопись этой книги прочитали 26 человек и высказали свои мнения, были внесены исправления и множество изменений. Данная переводческая работа в форме статьи является дополнительным, но и основным источником по некоторым темам, при преподавании таких предметов, как международная политика, международные отношения, история дипломатии, политология, основы геополитики, основы глобализации, основы конфликтологии, основы внешней политики, внешнеполитическая деятельность, политическое прогнозирование, история политических учений. Ученый должен работать с первоисточником, и мы считаем, что на эту работу допустимо смотреть как на способ научить студентов и заинтересовать их наукой. Мы надеемся объяснить нашим студентам и коллегам международную ситуацию в соответствии с логикой и мышлением Киссинджера и предоставить определенные новые знания. И следует подчеркнуть, что данная переводческая работа не отражает точку зрения переводчика. Он переведен как пример фундаментальной политической мысли о современной американской и в то же время традиционной американской внешней политике.

**Ключевые слова:** «Холодная война», международные отношения, внешняя политика, США, национальные интересы, Вестфальский порядок, идеология, стратегическое мышление, мир, дипломатия, мир, поколение, мировой порядок.

## HENRY KISSINGER. AMERICA AT THE TOP: EMPIRE OR LEADER?

### ANNOTATION

The material presented in the form of this article belongs to G. Kissinger in full and is his words. This is G.Kissinger's seven-chapter "Does America need a foreign policy?" "Diplomacy for the 21st Century" (Henry Kissinger. Does America Need a Foreign Policy? Toward a Diplomacy for the 21st Century. Simon&Schuster. New York. London. Toronto. Sydney. Singapore. 2001) is a complete translation of the first chapter. The title of the first chapter has changed to the name of the material. We tried to translate it diligently and correctly, to preserve the political tone and content, to fully and strictly adhere to the form and rules of translation. This book was published by Simon & Schuster publishing house in 2001 and it is the 3rd book published by G.Kissinger in this publishing house. A year later, in 2002, it was translated into Russian. In the introduction to the work, which is called "acknowledgments", it is anonymously noted that a total of 26 people read the manuscript of this book and expressed their opinions, corrections and many changes were made. This translation work in the form of an article is an additional, but also the main source in some subjects, in the teaching of such subjects as international politics, international relations, history of diplomacy, political science, geopolitics basics, globalization basics, conflictology basics, foreign policy basics,

foreign political activity, political prognostication, history of political doctrines. Can serve as a scientist should work with the first source, and we believe that it is permissible to look at this work as a way to teach students and interest them in science. We hope to explain the international situation to our students and colleagues in accordance with Kissingerian logic and thought and provide certain new knowledge. And it should be emphasized that this translation work does not reflect the translator's point of view. It is translated as an example of fundamental political thought about modern American and, at the same time, traditional American foreign policy.

**Key words:** "Cold War", international relations, foreign policy, USA, national interests, Westphalian order, ideology, strategic thinking, world, diplomacy, peace, generation, world order.

Америка янги минг йиллик тонг отарида ўтмишдаги улуғвор империялар кудратидан ошиб кетувчи ўз кучининг самарасини кўрди [1, Б.1-17].

Ҳарбий соҳадан бизнесгача, фандан технологияларгача, олий таълимдан оммавий маданиятгача, Америка, ҳеч кўрилмаган микёсда, дунёда ҳукмронлик қилмоқда. XX асрнинг охириги ўн йилликларида халқаро барқарорликни таъминлаш ишида Американинг ҳукмрон вазияти уни ўрнини ҳеч нарса билан босолмайдиган ҳолатга келтирди. Қўшма Штатлари айнан “оловли нукта”ларда воситачилик ролини бажарди, Яқин Шарқда эса *тинчликни ҳал этиш* жараёнининг асл маъносидаги иштирокчиси бўлди. Давлат ушбу ролга шу қадар берилиб кетдики, деярли автоматик тарзда ўзини воситачи сифатида танлади ва ҳаттоки, гоҳида манфаатдор томонлар бу ҳақда сўрамаган бўлсалар ҳам, масалан, 1999 йил июлида Кашмир масаласида Ҳиндистон ва Покистон ўртасида (воситачилик қилди – Д.Б.Шарипов). Америка Қўшма Штатлари ўзини дунёда демократик институтларни сақлашнинг ҳам манбаси, ҳам кафили сифатида кўра бошлади, кўп ҳолларда ўзини судья ролида кўрадики, бошқа давлатлардаги сайловлар қанчалик демократик, (ёки-тарж.) агар унга ушбу сайловлар етарлича демократик эмаслиги аён бўлса, иқтисодий санкциялар қўллади ёки босимнинг бошқа турларидан фойдаланишни ҳал қиладиган бўлди.

Бунинг натижасида америкалик кўшинлар бутун дунё бўйлаб жойлаштирилган – Шимолий Европа текисликларидан Шарқий Осиё рўпарасидаги ораликқача. *Тинчликни сақлаш номи остида Америка аралашуви барча ерларда доимий ҳарбий иштирокни назарда тутган.* Қўшма Штатлари Болқонда илгари Австрия-Венгрия ва Усманийлар империялари икки урушаётган этник гуруҳларни ажратувчи протекторлар яратиш орқали бажарган функцияни моҳиятан адо этмоқда. АҚШ халқаро валюта тизимида устунликка (ҳукмронликка-тарж.) эга, йирикроқ инвестиция капитали манбаси, инвесторлар учун жозибадор бошпана, шунингдек, чет эллик экспортёрлар учун энг йирик бозордир. Гарчи у ёки бу давлатнинг қаттиқ ғазабига учраса ҳамки, Америка поп-маданияти бутун дунёдаги таъм стандартларини белгилайди.

(XX асрнинг – тарж.) 90-йиллар(и) бизга парадоксал мерос қолдирди. Бир томондан, Қўшма Штатлари дунёга ҳукмронлик қилишга (бўлган-тарж.) ҳаракатларини айблашларига қарамасдан, ўзининг позициясини қаттиқ талаб қилишга ва уни ҳаётга тадбиқ этишга етарлича кучлидир. Айни пайтда АҚШнинг дунёга ёзиб берадиган рецептлари (оқибати-тарж.)да кўпинча ёки унинг ички муаммолари, ёки “Совуқ уруш” даври панд-насиҳатлари таъкиб қилинади. Натижада давлатнинг ҳукмрон ҳолати дунёвий тартибга таъсир этувчи, алаалоқибат, уни ташкил этувчи кўпгина тенденциялар (йўналиш, интилишлар-тарж.)дан четда қолиш имкониятига ҳақиқатан мос келади. Дунёда Америкага ҳурматнинг ғалати “қоришма”си кузатилади – унинг иродасига итоат қилиш, вақти-вақти билан эса унинг узоқ муддатли мақсадларини тушунмаслик (оқибатида-тарж.) у бошқаларга ёзиб бериши(ни рўқач қилиш-тарж.) билан (баҳсларни-тарж.) кўзгатиб юборади.

Қизиқарли томони шундаки, Америка халқининг ўзи Америка устунлигига чуқур беэтиборликни бошидан кечирмоқда. Қачонгача иккита муҳим барометр бўйича ҳукм қилиш мумкин – оммавий ахборот воситалари ва конгрессменлар ҳис-туйғулари – бутун америкаликларнинг ташқи сиёсатга бўлган қизиқиши мумкин бўлган белги(рақам-тарж.)дан ҳам тушиб кетди.

Шунинг учун ҳам ақлли сиёсатчилар ташки сиёсатга оид баҳс-мунозаралардан қочишни ва АҚШ олдида турган муаммоларга жиддий эътибор қаратиш ҳақидаги талабларидан ҳам кўра, дунёвий етакчиликни америкаликларнинг дунёни ҳис қилиш омили, деб қарашни афзал кўришади. Охирги президентлик сайловлари ҳисоб бўйича учинчиси бўлди – унга кўра, ташки сиёсат жиддий мунозаралардан четда қолди. Америка ҳукмронлиги, айниқса, 90 – йилларда оз даражада стратегик фикрларга суянди/асосланди ва катта даражада эса сайловчилар(эҳтиёжлари-тарж.)ни қондиришга ундаш – гарчи у иқтисодий соҳада юксак технологик ютуқлар ва уларга асосланган ишлаб чиқаришнинг ўсишига асосланган бўлса ҳамки – тактик ҳал қилишга қаратилди. Буларнинг барчаси (шундай бир) васваса уйғотдики, агарки Қўшма Штатларга узоқ муддатли ташки сиёсат умуман керакмасдек ва юзага келиши мумкин бўлган аҳолида таҳдидларга фақатгина Қўшма Штатларнинг реакцияси билан чекланиши керак эди.

Қўшма Штатлари ўз қудратининг чўққисида икки маъноли ҳолатда қолди. Эҳтимолдан холи эмаски, дунё (ҳеч қайсиси билан) ҳеч қачон дуч келмаган ўта чуқур ва барча нарсани қамраб олувчи ўзгартиришлар рўпарасида у (АҚШ-тарж.) юзага келаётган янги реаликка адекват (айнан бир хил-тарж.) ғоялар таклиф қилиш ҳолатида эмас. “Совуқ уруш”даги ғалаба мағрурлиги васваса қилди; юзага келган status quодан қониқиш амалдаги сиёсатнинг келажакни йириклаштириб кўрсатишга олиб келди; ажойиб иқтисодий ютуқлар, сиёсий етакчиларга стратегик тафаккур тарзини иқтисодий фикр билан қўшишга қизиқтирди, (бу эса ўз навбатида – тарж.) Америка технологик тараққиёти билан кўзғаладиган чуқур трансформация(ўзгаришлар-тарж)га (америкаликларнинг – тарж.) сиёсий, маданий ва маънавий таъсирларга бўлган изланувчанлигини тушуриб юборди.

“Совуқ уруш” тугаши пайтига тўғри келган бу мағрурлик ва тараққиёт бирлиги икки хил мифда акс этувчи “америка миссияси” деган ҳиссиётни пайдо қилди. *Сўллар қароргоҳи*да кўпчилик Қўшма Штатларни бутун бўйича ташки сиёсат масалаларида бош арбитр (судья-тарж.) сифатида кўришди. Ушбу қараш тарафдорлари қуйидагича ҳаракат қила бошлашди: модомики Америкада ҳар доим хоҳлаган жамиятга – уларнинг маданий ёки тарихий ўзига хос хусусиятларига қарамасдан – ярайдиган, нақд тўғри демократик қарорлар мавжуддир. Улар учун ташки сиёсат ижтимоий сиёсатнинг ўхшашидир. Улар “Совуқ уруш”даги ғалаба аҳамиятини камситиб (камайтириб-тарж.) кўрсатадилар, модомики, шундай ўйлашадикки – тарихий ривожланиш ва муқаррар равишдаги демократияга ҳаракат ўз-ўзича коммунистик тизимнинг қулашига олиб келарди. *Ўнлар ичида* айримлар шундай ўйлашадикки, худдики Совет Иттифоқининг барбод бўлиши айрим қоидаларга кўра автоматик тарзда содир бўлди – америкача риториканинг қатъий ўзгариши натижасидир (“Ёвузлик империяси”ни эсланг – бу ерда Г.Киссинжер авлоди ва кейинги америкаликлар Собик Иттифоқни шундай номда ОАВ орқали тавсифлашган – Д.Б.Шарипов), ярим асрлик охирги администрациялар (Президент бошчилигидаги Оқ Уйдаги командаси шундай аталади-тарж.) саъй-ҳаракатлари самараси эмас экан.

Бу улар каби хулоса чиқаришга асос сифатида улар худдики барча дунёвий мураккаб муаммолар ечими АҚШ гегемониясини тан олишда ва уят-андиша (истихола-тарж.) қилмасдан америкача чексиз қудратда, деб ҳисоблашади. Ушбу қарашларнинг ҳар бири бизнинг кўз ўнгимизда ўзгараётган дунё муаммоларига оид узоқ муддатли батафсил нуқтаи назарни ишлаб чиқишни қийинлаштиради. Бу хилдаги ташки сиёсат(даги нуқтаи назарларни ишлаб чиқишдаги) қарама-қаршилиги (оқибатида-тарж.) кимдир эзгу миссионерлик фаолияти билан шуғулланишни таклиф этса, яна кимдир (кейинги) куч-қудратнинг ўзини тўплашни қадрият, деб ҳисоблайди. Баҳслар шундай ўчоққа бирлашяптики, америка ташки сиёсатини қадриятлар ёки манфаатлар, иделизм ёки реализм ҳал қилиши керак, дегандай. Тўғри қарор эса унисини ҳам, бунисини ҳам (уйғун/ҳамоҳанг) бирлаштиришдир; ташки сиёсат бўйича ҳеч бир жиддий эксперт америкача демократияда шаклланган (асос-Д.Б.Шарипов) ўзига хослик анъаналаридан чалғиши мумкин эмас. Аммо у (эксперт – Д.Б.Шарипов) бу ўзига хослик ўзини кўрсатадиган жиҳатларни инкор эта олмайди.

### *Ўзгараётган халқаро аҳвол*

Замонавий аҳволни англаш учун америкаликлар, бошланишига, доимий хавотирга асос бўлувчи сабабларнинг юзага келиши – бу муваффақиятли status quo учун вақтинчалик танаффус эмас. Улар (сабаблар-тарж.) кўпгина етакчи давлатларнинг ички қурилишида ўзгаришларни назарда тутувчи дунёвий тартибнинг муқаррар равишда ўзгаришларида сиёсий ҳаётнинг демократизациясидан, иқтисоднинг глобаллашуви ва энг янги коммуникация тизимларининг кенгайишидан гувоҳлик беради. Таъриф бўйича, давлатда қандайдир адолат (ғояси – Д.Б.Шарипов) мужассамлашган, у орқали унинг ички қурилиши тегишли куч тузилмалари билан қонунийлаштирилган – бу унинг ўзининг минимал функцияларини бажаришига – аҳолини ташқи хавфлардан ва ички тартибсизликлардан ҳимоя қилиш имкониятини беради. Агарда бу барча элементлар бирваракайига ўзгарса-чи? Хусусан, ташқи хавф(тахдид) ҳақидаги тасаввурнинг ўзи ўзгарса-чи – унда, турбулентлик (гирдобсимонлик-тарж.) пайтининг келиши муқаррардир.

“Халқаро муносабатлар” атамасининг ўзи нисбатан яқинда пайдо бўлган, шундай бўлса у шу муносабатлар асосида миллий-давлат тушунчаси ётганлигини англатади. Ушбу (халқаро муносабатлар – Д.Б.Шарипов) тушунча XVIII асрнинг охирида Европада пайдо бўлди ва асосан Европа колониализми оқибатида бутунжаҳон бўйлаб тарқалди. Ўрта асрлар Европасида мажбуриятлар шахсий ва анъанавий характер касб этган ва одамларнинг на тил, ва на маданий умумийлигига асосланмаган эди: фуқаро (табаа-тарж.) ва ҳукмдор давлат бюрократик аппарати томонидан ажратилмаганди. Ҳукуматга қўйилаётган чекловлар конституциялар орқали эмас, балки анъаналар орқали, шунингдек, ўзининг автономиясини сақлаб қолган черков орқали буюрилган. Шундай қилиб, асло буни хоҳламаган ҳолда плюрализм ва давлат ҳокимиятининг демократик чекланиши асосларини қўйди, қайсики у юз йиллар ўтиб, сўнг расмийлаштирилди.

XVI ва XVII асрларда бундай тизим Реформация таъсири остида черковнинг ягоналигини бузиб, ёндирди ва китоб ноширлиги эса тобора кенгаётган диний парчаланишни кенг (оммага – тарж.) машҳур қилди. кейинги ағдар-гўнтарлар ўттиз йиллик урушларга қўйилиб кетди – унда мафкуравий шараф, у даврда диний-ортодоксия (диндорлар – тарж.) томонидан Марказий Европанинг 30 фоиз аҳолиси йўқ қилинганди.

Ушбу қирғиндан замонавий давлатчилик тизими юзага келди. Унинг асосий принциплари 1648 йилдаги Вестфаль (тинчлик) шартномасида белгиланди ва ҳозирги кунгача халқаро муносабатларда қўллаб-қувватланади. Вестфаль шартномасининг асоси суверенитет доктринаси бўлди – унга кўра, бир давлатнинг ички ишлари ва институтлари бошқа давлатларнинг таъсир доирасига кирмайди. Ушбу принципларда қатъий ишонч мужассам бўлдики, маҳаллий ҳукмдорлар кўчманчи чет эллик армияларга нисбатан камроқ мустабидроқ – бўлмаса, чет эллик кўчманчи армиялар (сиёсий) музокараларга мойил – бўлишган. Айни пайтда ушбу принциплар кучлар мувозанати ғоясидан келиб чиққан бўлиб, даъват қилинган агрессив саъй-ҳаракатларни жиловлаш, бир миллатнинг (давлат – Д.Б.Шарипов) бошқаси устидан ҳукмронлигига чек қўйиш ва катта бўлмаган ҳудудлардаги урушларни нисбатан чеклашни назарда тутган. Икки юз йил вақт мобайнида – токи биринчи жаҳон урушигача – ўша даврларда шакл топган халқаро муносабатлар тизими ўз мақсадига эришганди (Напалеон давридаги мафкуравий конфликтдан ташқари – унда аралашмаслик принциплари йигирма йилгача унутилганди). Бугун унинг (ушбу тизимнинг – Д.Б.Шарипов) ҳар бир таркибий қисми таъна (маломатлар)га қолмоқдаки, ваҳолангки, уларнинг барчаси чеклаш/тийиб туришга ундаши, куч ўзбошимчалигининг асло кенгаймаслигини унутишмоқда.

Бугун Вестфаль тартиби тизимли инқирозни бошидан кечирмоқда. Унинг принциплари талашилмоқда, ваҳолангки, мақбул муқобилини ҳали излаш лозим бўлади. Нафақат Қўшма Штатлари, балки, кўпгина Европа давлатлари бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципини гуманитар интервенция ғояси ёки бутунжаҳон юрисдикциясига асосланган риоя (амал-тарж.) қилиш фойдасига инкор этиб келишмоқда.

2000 йил сентябрдаги БМТнинг янги минг йиллик кириши арафасидаги саммитида ушбу ёндошув маъқулланган ва кўпгина давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган эди. 90 – йилларда (XX асрнинг – Д.Б.Шарипов) Кўшма Штатлари гуманитар мақсадларда тўртта ҳарбий операцияларни амалга оширди – Сомалида, Гаитида, Боснияда ва Косовода; бошқа давлатлар шундай операцияларни яна иккита жойда бошқаришди – Австралия Шарқий Тиморда ва Буюк-Британия Сьерра-Леонеда. Ушбу барча интервенциялар, Косоводаги интервенциядан ташқари, БМТ томонидан санкциялар тақдим этилганди.

Шу билан бирга миллий-давлат ҳақидаги олдин ҳукмрон бўлган қарашлар кескин ўзгаришларга чидаб келмоқда. Умумқабул қилинган нуқтаи назарга кўра, ҳар бир давлат ўзини миллат, деб атайди – агар XIX асрда қабул қилинган миллатнинг тил ва маданий бирлик сифатидаги таърифидан келиб чиқсак – лекин уларнинг ҳаммаси ҳам шундай эмас. Янги минг йиллик остонасида “буюк давлатлар”дан фақатгина Европанинг демократик давлатлари ва Япония ушбу таърифга тўғри келади. Хитой ва Россия, лекин кўп сонли этник кўшимчалар билан миллий ва маданий ўрталикни ташкил қилади. Қолган дунё давлатлари аралаш этник таркибга эгаки, уларнинг кўпчилиги бир бутунлигига (ушбу давлатларда – Д.Б.Шарипов) истиқомат қиладиган (этник – Д.Б.Шарипов) озчилик томонидан таҳдид/хавф солинади – (ушбу этник озчилик-тарж.) XIX ва XX асрларда национализм миллий-этник асосда (ажралиб чиқиш – тарж.) ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ғояларини эълон қилувчи назарияларга асосланиб, автономия ёки мустақиллик талаб қилади. Ҳаттоки, *Европада тугилишининг тушиши ва иммиграциянинг ошиши мультиэтниклик хавфини яратади.*

Тарихан таркиб топган давлатлар, билишадики, уларнинг ўлчами глобал дунёда ҳал қилувчи ролни бажаришга йўл қўймаслигини билиб, янада каттароқ структураларга бирлашишга интилишади. Бундай сиёсатнинг ёрқин намунаси Европа Иттифоқининг ўзидир. Лекин ғарбий яримшарда ҳам шунга ўхшаш транснационал гуруҳлар юзага келмоқда; ана шундайлардан Шимолий Америка эркин савдо келишуви (NAFTA), Mercosur Жанубий Америкада, ёки Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (ASEAN) Осиёда. Хитой ва Япония паноҳидаги эркин савдо зоналари яратиш ғояси ҳам Осиёда юзага келди.

Ушбу тузилмаларнинг ҳар бири, ўзининг ўзига хослигини белгилаган ҳолда – гоҳида онг ости даражасида, лекин кўпинча англаган ҳолда – мазкур минтақада ҳукмронлик қилаётган давлатларга ўзини қарши қўйиш истаги орқали – уйғонмоқда. ASEAN учун рақобатчи сифатида Хитой ва Япония ҳисобланади (алалоқибат, мумкинки, Ҳиндистон ҳам). Европа Иттифоқи ва Mercosur учун Кўшма Штатлар – олдингиларни енгганига қараб, янги рақибларни юзага келтиради.

Ўтган юз йилликларда, ҳаттоки, унчалик муҳим бўлмаган ўзгартиришлар кенг миқёсли урушларга олиб келди; урушлар, табиийки, ҳозирги халқаро тизимда ҳам содир бўлмоқда – фақат улар ҳеч қачон буюк давлатларни бир-бири билан конфликтга жалб этмайди. Ядро асри кучнинг ҳам аҳамиятини, ҳам ролини ўзгартириб юборди – ҳар қалай шу даражадаки, етакчи қудратли давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар даражасига таълуқлидир. Унинг бошланиши (ядро асри – тарж.)га қадар урушлар кўп ҳолларда территориал баҳслар ёки ресурсларга кириш (йўли) учун ёнган; ғалабалар ҳукмронликни ва ўз давлатининг таъсирини кучайтириш шарафи билан эришилган. Бизнинг даврларда территориал омил давлат қудратининг элементи сифатида олдинги мавқеини йўқотди; технологик тараққиёт у ёки бу давлат қудратини территориал эгаллашдан кўра янаям кучлироқ мустаҳкамлаши мумкин. Сингапур, аҳоли ва унинг лидерлари интеллектуал салоҳиятдан ташқари, амалда ҳеч бир табиий ресурси мавжуд эмас – даромадни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ундан анча йирикроқ ва табиий ресурслари мўл-кўл давлатлардан ўзиб кетган. Шу йўсинда у ўз бойлигининг бир қисмини яратиш учун сарфламоқда – ҳеч бўлмаганда маҳаллий кўламда – таасурот қолдирадиган ва очкўз қўшнилари чангини совутишга сафарбар қилинажак қуролли кучлар. Изроил ҳам шундай ўхшаш ҳолатдадир.

Ядро қуролига эгалик ядровий давлатлар ўртасидаги урушлар эҳтимолини пасайтирди(бу хулоса-тарж.) – агарки, ушбу курул инсон ҳаёти қадриятлиги ҳақидаги қарашлардан бошқача ўйлайдиган ёки унинг вайрон қилувчи кучи билан таниш бўлмаган давлатлар орасида тарқалиши давом этса, қолаверса, ушбу хулоса тўғри бўлиб қолиши даргумондир. Ядро асри келгунига қадар давлатлар урушга киришаркан, мағлубият оқибатлари ёки ҳаттоки, конфликтдан ҳам кўра, компромисс қарор қабул қилинмайди; айнан шундай фикрлаш тарзи Европани Биринчи жаҳон урушига олиб келди. Аммо, агарки, сўз ядровий давлатлар ҳақида кетса, бундай танлов фақатгина чорасизлик (умидсиз-тарж.) вазиятларида мақбулдир. Ядро қуролига эга давлатлар етакчиларининг асосий кўпчилигининг ишончи комилки, ядро урушининг оқибатлари (ихтилофлашаётган томонлар орасида) компромиссга эришиш учун зарурий (бўлган-тарж.), ён беришдан кўра ва ҳаттоки, мумкин бўлганча, мағлубият оқибатларидан ҳам кўра, жуда оғир бўлади. Ядро асри парадокси [2, Б.15] шундаки, ядро потенциалининг ошиши – ва ўз навбатида, умумий ҳарбий қудратнинг ошиши – шубҳасиз равишда ундан фойдаланиш хоҳишининг пасайишига олиб келади.

Кучнинг бошқа барча шакллари ҳам инқилобий ўзгаришларга юз тутди. Иккинчи жаҳон уруши охиригача давлат қудрати нисбатан бир хил эди. Унинг таркиби: ҳарбий, иқтисодий ёки сиёсий – бир-бирини тўлдирар эди. Жамият ҳарбий томонлама кучли бўлиши мумкин эмас эди, агарки бошқа соҳаларда етакчилик ўрнини эгалламаса. Бироқ ХХ асрнинг иккинчи ярмида ушбу йўғон арқоннинг толалари ошқора (тарзда-тарж.) ўрамни оча бошлади. Алоҳида давлатлар армияни сезиларли даражада кўпайтирмасдан, бирданига кучли иқтисодиётни қўлга киритишди(масалан, Саудия Арабистони) ёки улкан ҳарбий қудратни стагнациядаги иқтисод билан ривожлантирди (Собиқ Иттифоқ бунга мисол бўла олади).

ХХI асрда эса ушбу толалар яна ўралаётганга ўхшайди. СССР тақдири кўрсатдики, ҳарбий қудратга бир томонлама йўл-йўриқ барқарорликни таъминлай олмайди – айниқса, иқтисодий ва технологик инқилоб даврида ер сайёрасидаги ҳар бир уйга, замонавий технологиялар ёрдамида, (ҳар хил давлатлардаги) ҳаёт тарзидаги ғоят катта узилишни аниқ (яққол-тарж.) англаш кириб бормоқда. Қўшимчасига фақатгина битта авлод кўз ўнгида фан шундай сакрашларни бажардики, буни бутун инсоният тарихида бажармаган эди. Олдинги авлодлар ўйлаши ҳам мумкин бўлмаган компьютер, интернет ва биотехнологиянинг ўсиб боровчи имкониятлари орқали техника ва амалий фанларга шундай эркин фаолиятни тақдим этди. *Техника таълимнинг илғор тизими давлат куч-қудрати ўсишининг узоқ муддатли шарти бўлди.* Эндиликда, у жамият танасида мускуллар ва ҳаётининг энергия ролини бажаради; усиз давлат кучининг барча қолган турлари пучга чиқади.

Глобаллашув иқтисод ва технология ҳокимиятини бутун дунё бўйлаб ёйди. Ахборотни тезда узатиш имконияти бир минтақада қабул қилинадиган қарорни, дунёнинг бошқа қисмларида қабул қилинадиган қарорлар асирга айлантди. Глобаллашув мисли кўрилмаган, гарчи тенг бўлмаса ҳамки, раванқ топишга олиб келди ва ҳали шуни ҳам аниқлаштириш керакки, умумтинч ҳаёт яратган шундай ютуқ билан у инқирозли ҳолатларни тезлаштирмайдими, шу билан у глобал ҳалокатга замин ҳозирламаяптими. Шу билан бирга, глобаллашув – унинг барча (соҳаларидаги – тарж.) муқаррарлиги билан – кучсизликни ҳис қилиш юқининг ўсишига олиб келиши мумкин – бу эса миллионлаб тақдирларга таъсир қилувчи ва маҳаллий ҳукуматлар назоратидан чиқиб кетувчи қарорларга олиб келади. Замонавий сиёсатчилар бошқара олмайдиган ўткир характерли иқтисод ва технологиялар хавф-хатари юзага келмоқда.

*Америкага ташиланган чақириқ*

Қўшма Штатлари дунё мавжуд бўлдики, унга тарихий жиҳатдан оз тайёргарлик кўрган. Икки буюк океан орасида ўзини хавфсиз сезган (бу буюк давлат-тарж.) кучлар мувозанати ғоясини инкор этди – бошқа давлатлар конфликтларида четда қола олди, ёки умумтинчликни таъминлаш, демократия ва ўз тақдирини ўзи белгилаш қадриятларини кенг қўламда талаб қилишга қатъий ишончи мавжуд эди.

Ушбу қарашлар кейинги бобларнинг бирида батафсил кўриб чиқилади; бу ерда шуни таъкидлаш етарлики, замонавий халқаро аҳволни таҳлил ва талқин қилишда фақатгина битта критерия билан бошқарилиш мумкин эмас; *zero бугун дунёда кам деганда тўртта давлатлараро муносабатлар тизими мавжуд:*

– *Қўшма Штатлари ва Ғарбий Европа муносабатлари* – шунингдек, Ғарбий яримшар давлатлари ўртасида маълум маънода америкача тарихий идеаллар тадбиқ этилмоқда. Бу ерда дунё ҳақидаги демократия ва иқтисодий тараққиёт принципларига асосланган идеалистик қарашлар ишончли намоён этилмоқда. Ушбу давлатларнинг барчаси демократик давлатлардир; уларнинг иқтисодиёти бозор иқтисодиётига асосланган; урушларга йўл қўйилмаган – улар (урушлар-тарж.) переферияларда оловланиши мумкин, у ҳам бўлса, этник конфликтлар манбаси орқали юзага келиши мумкин. Баҳсли (масалалар) ҳарбий йўл билан ҳал этилмайди ёки куч билан таҳдид қилиш қўлланилмайди. Ғарбий тайёргарликлар фақатгина ташқи таҳдидларга жавоб тарзида амалга оширилади; атлантика бассейни давлатлари ёки Ғарбий яримшар давлатлари бир-бирига нисбатан бундай таҳдидларни мўлжалламайди.

- *Осиёнинг буюк давлатлари* – XIX асрдаги Европа давлатларидан худуди бўйича анча улкан ва аҳолиси бўйича анчайин катта – бир-бирига нисбатан стратегик рақиб сифатида қарашади. Ҳиндистон, Хитой, Япония, Россия – Корея билан бирга ва бир озгина улардан ортда қолаётган Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари – ўйлашадики, уларнинг ҳар бири, хаттоки, алоҳида ҳолатда, боз устига бошқалари билан иттифокда шундай ҳолатдаки, уларнинг миллий хавфсизлигига ўзи билан хавф туғдиради. Ушбу давлатлар ўртасида урушлар бўлиши муқаррар эмас, лекин мумкин эмаслиги (ҳам-тарж.) гумондир. Осиё давлатларининг ҳарбий сарф-харажатлари ўсмоқда – (улар) бошқа Осиё давлатларидан химояланиш мақсадига эга (гарчи Хитойнинг ҳарбий саъй-ҳаракатлари яна Тайван бўйича АҚШ билан урушишни назарда тутаяди). XIX Европаси сингари Осиё узоқ тинчлик даврининг ташвишини тортиши мумкин – ва бу эҳтимолдан узоқ эмас – лекин бу ерда кучлар мувозанати ҳал қилувчи роль ўйнайди.

- *Яқин Шарқдаги конфликтлар* XVII аср Европадаги конфликтларни эслатади. Уларнинг илдизи худди атлантик бассейни ва Ғарбий яримшардаги каби иқтисодий соҳа эмас, (ёки-тарж.) Осиёдаги каби стратегик соҳада эмас, балки, мавкура ва дин соҳасидадир. Вестфаль дунёсининг дипломатик принциплари бу ерда ишламайди. Компромиссга [3, Б.457] эришиш қийин, агар сўз аниқ хафагарчиликлар ҳақида бўлмаса ва мавжудлик қонуниятлари ҳақида бўлмаса – унда бу қарама-қарши томоннинг амалда ҳаёт-мамоти ҳақидадир. Мана, бу шунчалик парадоксал бўлмасин бу каби конфликтларнинг охириги ҳал қилиш (нуқтасини-тарж.) топиш ушбу қарорга келган муаллифларнинг ўзини бумеранг (каби-тарж.) уради – бу Президент Клинтон ва бош вазир Эхуд Барак билан 2000 йил ёзида Кэмп-Дэвидда ўтган саммитда бўлгани каби. Чунки масала бўйича фақатгина битта “компромисс”га келишга ҳаракат, қайсики уни ҳар бир томон муқаддас, деб билади – уларни мурасасиз позициялардан четлаб ўтиб бўлмайдиган даражада уқтириш керак.

- *Африка* – бу (шундай-тарж.) континентки, унинг тарихига Европа мисолини келтириб бўлмайди. Африканинг (жами-тарж.) 46 давлати ўзини демократик, деб атаса ҳамки, улар томонидан ўтказилаётган сиёсат бирлаштирувчи мафкуравий принциплар асосида амалга оширилмайди. Уларнинг сиёсатида тенг тарзда умумий кучлар музонати ғояси ҳам устунлик қилмайди. Кучлар мувозанати ҳақида гапириш мумкин бўлиши учун континент ниҳоятда катта ва Африка давлатларининг таъсир доираси жудаям оздир. “Совуқ уруш” тугаши билан Африкада буюк давлатларнинг асосан рақобати йўқолди. Шунга қарамасдан колониал ўтмиш Африкага портловчи потенциал (хавф-тарж.), этник конфликтлар, иқтисодий қолоқлик ва соғлиқни сақлаш соҳасида даҳшатли (ўта катта-тарж.) муаммоларни қолдирди. Колониал даврларда ўтказилган чегаралар, колонияларни бошқаришни осонлаштириш учун ўтказилган, уруғ жамоалари ва этник гуруҳларни ажратишди, ҳар хил дин ва қабилаларнинг вакиллари административ районларга бирлаштиришди, қайсики кейинчалик улар мустақил давлатлар бўлишди.

Натижада Африкада халқаро конфликтлар даражасига ўсувчи ёввойилашган фуқаролар уруши бошланиб кетди, шунингдек, мудҳишлигини англаш ҳам қийин бўлган эпидемиялар (юзага келди-тарж.). Африканинг трагик тарихи учун мажбурият демократик давлатлар зиммасига тушади ва улар компенсация тартибида (пул-тарж.) тўлашлари керак, Африканинг умуминсоний тараққиётга қўшилиши учун ёрдам бериш йўллари топишлари зарур. Жаҳон ҳамжамияти эса биргаликда (Африка ичидаги) сиёсий ва этник конфликтларни тугатишга ёки ҳеч бўлмаса, уларни кучсизлантиришга мажбурдир.

Кенг спектр ва халқаро тизимларнинг ҳар хиллиги Америка учун анъанавий бўлган ташқи сиёсат табиати ҳақидаги баҳсни бирмунча мақсадсиз қилмоқда. Сўз (этига оид) кадриятлар ёки ҳокимият тўғрисида, мафкура ҳақида ёки давлат манфаатлари ҳақида боряптими, (унда-тарж.) *ташқи сиёсатни белгилайдиган барча омиллар тарихий вазиятга боғлиқ*, (чунки, унда-тарж.) ушбу халқаро тизим мавжуд. Американинг ташқи сиёсати – ҳаётнинг барча ҳолатларига доимо ягона формула топувчи – ҳали зарурат юзасидан унга хос бўлган мафкуравий моҳирликни ушбу янги вазиятга жавоб берувчи узок муддатли стратегиясини ишлаб чиқиши керак.

Афсуски, ички сиёсий масалалар Америка ташқи сиёсатини қарама-қарши йўналишга туртиб юбормоқда. Конгресс ташқи сиёсат тактикасига оид нафақат қонун чиқаради, балки, кўпгина санкциялари билан бошқа давлатларга маълум юриш-туриш (ахлоқ – Д.Б.Шарипов) Кодексини мажбуран қабул қилдиришга ҳаракат қилади. Ҳозирги вақт санкциялар ўнлаб давлатларга қўйилган. Америка администрацияси (Президентлик-тарж.) бири бошқаси ортидан мажбур бўляптики, Конгресс жавоб тариқасида қайсидир бошқа лойиҳаларни қабул қилади, қисман шунинг учун ҳамки, бевосита ташқи хавфнинг йўқлиги сабабли халқаро сиёсатдан ҳам кўра, сиёсатчиларнинг яшаб қолиши учун ички ишлар/масалалар янаям муҳим кураш воситасига айланмоқда. Чет элларда Американинг дунёвий ҳукмронликка ишончли кураши деб тавсифланувчи ҳол аслида ички кучларга босимнинг реакцияси сифатида намоён бўладики, бу асосий масалаларни ҳал этишга таъсир этиш кучига эга – ўзининг келажакдаги мақсадларини кўзлаган ҳолда тағинам бир-бирини кўллаб-қувватловчи (бу ички кучлар – тарж.) ёрдамни ваъда қилиб, ёки сайлов компаниялари пайтида жазо билан таҳдид қилишади.

Қонун ижодкорлик фаолиятининг афзаллиги нима бўлишидан қатъий назар, унинг биргаликдаги фаолияти бир томонлама бўлмоқда, баъзан (эса-тарж.) америкача ташқи сиёсатга чақирик ҳам. Чунки дипломатиядан фарқли равишда – у (дипломатия-тарж.) қоида тариқасида мулоқотга чақиради – қабул қилинган қонунлар (қуйидаги – тарж.) формулага мужассамлашган: “хоҳлайсизми – (унда-тарж.) ўзиз биласиз”, яъни амалда ултиматумларни илгари суришга тенгдир.

Айни пайтда ҳар ерда ҳозир ва овози баланд оммавий ахборот воситалари ташқи сиёсатни кўнгилхушликнинг ҳар хил турига айлантиришмоқда. Рейтинг учун қутурган кураш янги хоҳлаган инқирозни васвасага айлантиради ва одатда уни (инқирозни-тарж.) эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш сифатида гавдалантиради, бунинг устига бирор-бир махсус чора кўрсатмайди ва жуда оз тарзда кенг тарихий контекстда тасвирлашади. Пресса бир тўлқин босилиб қолса, дарҳол янги сенсацияга киришиб кетади. Форс кўрфазидаги уруш алангалаган вақти, Косово инқирози даври ва Кэмп-Дэвиддаги саммитни газеталар ва телевидение ушбу ходисаларни ҳормай-толмай суткасига йигирма тўрт соат ёритишди. Энди эса, камдан-кам ҳолатлардан ташқари, улар ҳақида деярли эслашмайди, ваҳоланки, улар бошлаб берган жараён давом этмоқда, ва улар томонидан кўтарилган кўпгина муаммолар ёпилган – шунчалик уларнинг ҳал этилишига бўлган имкониятлар озроқдир.

Лекин 90 йилларда (XX асрнинг – тарж.) Американинг жаҳон аренасида унинг ўрни аҳамиятли бўлган аниқ-равшан юриш-туриш стратегиясини ишлаб чиқишда қийинчиликларга учради: замонавий дунёда америкача характернинг ўрни 3 турфа ҳар хил авлодлар ўртасида баҳсларга учради – улар ташқи сиёсат бўйича анчайин аъло қарашларга эътиқод қилишган. Ушбу курашга “Совуқ уруш”нинг 50-йиллар ва 60-йиллар фахрийлари бирга қўшилдилар – янги шарт-шароитларда ўз тажрибаларидан фойдаланишга ҳаракат қилишди;

Вьетнам урушига қарши ҳаракат фаоллари улар томонидан ўталган “дарс”лардан дунёвий тартиботни шакллантиришда қўллаш имкониятларини қидиришди; ва (охиргиситарж.) ёш авлод бўлиб, улар ўз тажрибаларига суянишни (таклиф қилишди-тарж.) – бу авлод “Совуқ уруши” авлодининг ҳам, худди Вьетнам протестантларининг қарашларини қабул қилишга қийналишди.

“Совуқ уруш” даври стратеглари ядровий (кучли) давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилиқни Совет Иттифоқини ушлаб туриш сиёсати орқали ҳал этишга ҳаракат қилишди. Ваҳоланки, улар муаммонинг ҳарбий бўлмаган соҳаларини ҳам унитишмади (катта ҳисобкитобларга кўра, Маршалл режаси НАТО қанчалик муҳим бўлса – шунчалик аҳамиятлидир) – ушбу авлод сиёсатчилари шуни уқтиришардики, халқаро муносабатларда доимий куч таркиби бор бўлади ва унинг аҳамияти советча ҳарбий ва сиёсий экспансияни даф этиш қобилияти билан белгиланади.

Ушбу стратеглар америкача онгда тарихий шакл топган идеализм ва куч ўртасидаги қарама-қаршилиқни кучсизлантиришди, қайсидир вақт мобайнида эса умуман четлаштиришди. Икки буюк қудратли давлат ҳукмронлик қиладиган жаҳонда мафкуравий талаблар ва кучлар мувозанатига амал қилиш деярли қўшилиб кетганди. Ташқи сиёсат ўзига хос қиймати нолга тенглашган ўйинга айланди – унда бир томоннинг ютуғи иккинчи томоннинг мағлубиятини англатган.

Ушлаб туриш сиёсатига хилоф (зид) равишда “Совуқ уруш” даври америкача дипломатиянинг асосий зўр бериши (кучланиши-тарж.) мағлубиятга учраган рақибларни ўз таркибига қўшиш бўлди, (хусусан – тарж.) Германия ва Японияни вужудга келаётган дунё тизимида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида (кўриш бўлди – тарж.). Ушбу вазифанинг бунгача беш йилдан кам муддат илгари сўзсиз таслим қилинган давлатлар билан қиёслаганда абсолют мисоли йўқки, бу 30-йиллардаги Буюк депрессиялар давридаги шаклланган америка раҳбариятига яхши тушунарлидир. Совет Иттифоқига қаршилиқни ташкиллаштирган авлод Франклин Рузвельтнинг “Янги курс”ини (яхши-тарж.) ўзлаштириб олди (ва шу билан бирга – тарж.), Америкада (аҳоли) кутишлари ва иқтисодий реаллик ўртасидаги жарликни йўқ қилди, сиёсий барқарорликни тиклади. Ушбу авлод, ахир, Иккинчи жаҳон урушида демократияни ҳимоя қилди.

Вьетнам уруши, биз ҳозирда “улуғвор авлод” деб атайдиганлар тафаккурини характерловчи (бўлиб-тарж.), мафкура ва стратегия бирлигини синдирди (бузди-тарж.). Шунга қарамадан, давлат ичида кимга ташқи сиёсат бефарқ бўлмаган бўлса, (улар-тарж.) Американинг ўзига хослигини қўллашда давом этишди – ушбу принципни аниқ вазиятларда қўлланиши чуқур ва узоқ (давом этувчи-тарж.) мунозараларга сабаб бўлди.

Вьетнам тажрибасидан шок ҳолатда қўнгли қолган қўпгина интеллектуаллар стратегик критериялар билан фикрлашни тўхтатишди, қолганлари эса АҚШнинг урушдан кейинги ташқи сиёсатининг ўз моҳиятини рад эта бошлашди. Билл Клинтон администрацияси – (бу-тарж.) биринчиси, унинг таркибида Вьетнамдаги ўша пайтдаги АҚШ фаолиятини қоралаганлар (бўлиб-тарж.) – “Совуқ уруш”ни тушунмаслик, Американинг қайтмас қурбининг тузатиб бўлмайдиган мисоли сифатида қабул қилди. У (администрация-тарж.) миллий манфаатлар устунлиги ғоясини инкор этди ва куч ишлатишга ишончсиз муносабатда бўлди – қандайдир “беғараз” ҳолатда мақбул кўрилса, яъни қачонки Американинг бевосита манфаатларига дахл қилмаса (куч ишлатиш шарт эмас – тарж.). Иш шунгача етиб бордики, Президент Клинтон бир марта эмас, тағинам бир нечта континентда ўзининг ўтмишдошлари ишидан, унинг фикрича, “Совуқ уруш” принципларидан келиб чиққан хато фаолият (юзасидан – тарж.) узр сўраб чиқди. Аммо “Совуқ уруш” сиёсий хатолик эмасди, ваҳоланки, албатта, у даврда қатор хатоликларга ҳақиқатан йўл қўйилганди: иш давлатнинг яшаб қолиш масалаларига таълуқлидир. Шуниси қизиқки, дипломатияни анъанавий тарзда манфаатлар мувозанати, деб қарайдиган қатор давлатлар, Клинтоннинг бу ҳолислик даволарини, Қўшма Штатларнинг башорат қилиб бўлмаслиги ва ҳаттоки, ишончсизлиги сифатида қабул қилишганди.

Шубҳасиз, Қўшма Штатлари “Совуқ уруш” даври сиёсати ёки XVIII аср дипломатиясига қайта олмайди, ва (бу-тарж.) керак ҳам эмас. Замонавий дунё анчайин кийиндир ва юзага келадиган муаммоларга анчайин кенгроқ даражаланган ёндашувларни талаб қилади. Ўзининг ўчлигига берилиш керак эмас, норозилик даври (каби-тарж.) мағрурликни кўрсатиш шарт ҳам эмас. Ҳар ҳолда бу иккала тафаккур тарзи тугаётган даврга таълуқлидирки, 1960 йиллардан кейин туғилган авлодга (бу-тарж.) далиллар анчайин ноаниқ ва илмий бўлиб кўриняпти.

Ҳали бу авлод содиқ, чекинмайдиган ва ташқи сиёсатнинг узоқ келажигига (ўзини-тарж.) тўғирлаган етакчиларни ўстиргани йўқ. Бундан ташқари, ушбу (авлод-тарж.)нинг айрим вакиллари савол беришяптики, умуман бизга ташқи сиёсат керакми, деб. Глобаллашаётган иқтисодий дунёда “Совуқ уруш”дан кейин туғилган авлод Уолл-Стрит ёки Силикон водийсига, уларнинг ота-оналари каби Вашингтондаги давлат хизматига қараган каби муносабатдадирлар. Бундай идрок қилиш (шундай-тарж.) устунликни акс эттирадики, (бунда-тарж.) устунлик сиёсатдан кўра иқтисодга бериляпти. Шунингдек, бундай устунлик ўсиб бораётган (шундай-тарж.) иш билан шуғулланмасликка чақирилганки, (бу-тарж.) жамоатчилик олдидан доимий иштирокни назарда тутуди – ҳаддан ташқари тез-тез кўтарилиш ва обрўйнинг муваффақиятсизлигига олиб келади.

“Совуқ уруш”дан кейин туғилган авлодни Ҳинди-Хитой уруши ҳақидаги баҳслар оз кизиқтиради, чунки ўз доирасида улар ўша воқеаларни батафсил билишмайди ва бундай мулоҳазаларни тушунарсиз, деб ҳисоблайди. Худди шунингдек, бу авлод ўз манфаатлари йўналишига қараб эътиқод қилишдан ҳазар қилмайди, уни ҳар куни иқтисодий соҳада намоён этади (бўлмаса, вақти-вақти билан миллий беғаразлик (холислик-тарж.)ка ўз виждонини тинчлантириш учун ҳам чақириб туради). Таълим тизими “маҳсулоти” бўлган бу авлод, тарихга жудаям кам эътибор бериб, кўпинча халқаро муносабатлар ривожланишининг келажигини кўролмайди. Улар хавфсиз глобал муҳитни яратиш ғоясини уларнинг шахсий ҳаёти ич-ичига ўтиб кетган таранг тортилган рақобатга компенсация сифатида қараш васвасасига учраган. Бундай аҳволда (шундай-тарж.) фикрга осонгина келиши мумкин: шахсий иқтисодий манфаатларга интилиш алалоқибат деярли автоматик тарзда умумий (ялпи-тарж.) сиёсий муроса ва демократияга олиб келади.

Бундай ёндашув жаҳон уруши бўйича деярли бутунлай йўқолган кўрқув сабабли мумкин бўлди (юзага чиқди-тарж.). Ушбу янги дунёда “Совуқ уруш”дан кейин туғилган америкалик етакчилар авлоди (олдин норозилик ҳаракатларида иштирок этган ва бизнес мактабларини тугатганлар билан қўшиб ҳисоблаганда) ўзи учун мақбул деб топаётган кўйидаги ёндашувни қўллаб-қувватляпти: ташқи сиёсат – бу ёки иқтисодий сиёсат, ёки қолган дунёни америкача эзгу ишга ўргатишга чақирилган сиёсатдир. Ажабланишлик эмаски, “Совуқ уруш” давридан бери америкача дипломатия саъй-ҳаракати билан америкача ёндашувни (у ёки бу муаммолар бўйича) қабул қилишга олиб келди.

Аммо иқтисодий глобаллашув ўзи билан дунёвий тартибни (нг ўрнини-тарж.), гарчи унинг асосий таркиби бўлса ҳамки, эгаллай олмайди. Аллақачон ўз ҳолича глобаллашган иқтисод давлатлар ичида ҳам, улар ўртасида ҳам келишмовчилик ва босим манбаига айланди – (бу эса-тарж.) дунёвий сиёсий етакчиларга, муқаррар равишда, тегишли босимни амалга оширади. Шунингдек, миллий давлат (чилик) дунёнинг кўпгина қисмида ҳозирча сиёсий масъулиятнинг бирлиги сифатида қоляптики, икки қарама-қарши тенденциялар таъсирига (тушиб қолишига-тарж.) дучор қилинмоқда: ёки этник таркибий қисмларда қоляпти, ёки йирикроқ минтақавий бирлашмаларга сингиб кетмоқда. Ҳали миллий етакчилар авлоди миллий манфаатлар асосларига оид икки хил тушунишга йўл қўймайдиган (аниқ-тарж.) қарашларни ишлаб чиқмагунча сиқувга олинадикки, унгача унинг тақдири ахлоқий баландлик эмас, балки, тараккий этувчи фалажлик бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, ҳақиқий америкалик бўлиб қолиш учун миллат манфаатларига дахлдор хоҳлаган қарашлар давлатнинг демократик аъёнalarидан ва бутун дунёда демократияни қўллаб-қувватлаш заруратидан келиб чиқиши керак.

Лекин Қўшма Штатлар тағинам ўзининг кадриятли йўл-йўриғини айрим ўта қаттиқ саволларга жавоб тарзида ишлаб чиқиши керак:

Нимага биз яшаб қолиш учун, ҳаттоки, бизга катта қурбонлар беришга тўғри келса ҳам, қандай бўлмасин қарши чиқишимиз керак?

Биз, ўз-ўзимизга содиқ қолган ҳолда нимага интилишимиз керак, ҳаттоки, энг кам халқаро консенсус шароитларида, агарки лозим бўлса, усиз ҳам ?

Биз, биринчи навбатда қайси адолатсизликлар билан курашишимиз керак?

Қайси мақсадларга эришиш бизнинг имкониятлардан ташқарида ?

**ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.**

1. Центр исследований постиндустриального общества. Журнал «Свободная мысль». Генри Киссинджер. **Нужна ли Америке внешняя политика?** К дипломатии XXI века. Перевод с английского под редакцией В.Л.Иноземцева. Научно-издательский центр “Ладомир”. Москва. 2002. Иқтибосда бобнинг тўлиқ ҳажми кўрсатилди.
2. Парадокс – парадокс – умум томонидан қабул қилинган фикрларга, илмий қоидаларга мос келмайдиган, шунингдек, соғлом ақлга зид фикр. Русско – Узбекский словарь. Том II. П-Я. Ташкент. 1984.
3. Компромисс – бир-бирига ён бериш, ўзаро келишив, битим, мураса. Русско – Узбекский словарь. Том I. А-О. Ташкент. 1983.